

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

"Наманган ҲЭТК" АЖ

КҚБ директор

Д. А. Мамаджанов



« _____ » 2022 йил

«Наманган ҲЭТК» АЖ ҳамда таркибий электр таъминоти корхоналари тасарруфидаги носоз ва таъмир талаб автотранспорт ва механизмларни таъмирлаш ишларини бажарилиши бўйича хизмат кўрсатувчи корхонани саралаш бўйича

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

1. Умумий маълумотлар

- 1.1. Буюртмачи "Наманган ҲЭТК" АЖ
- Ташкилий-ҳуқуқий шакли Акционерлик жамияти
- Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти,
Наманган шаҳри, Марғилон кўчаси, 8-уй
- Бош директор: Ж. А. Ҳалилов

1.2. "Наманган ҲЭТК" АЖнинг тендер комиссияси томонидан ижрочи-тадбиркорлик субъекти аниқланади.

1.3. Танловнинг максимал қиймати: кўрсатилган хизмат учун 121.231 089,60 (бир юз йигирма бир миллион икки юз ўттиз бир минг саксон тўққиз сўм олтамиш тийин) сўмни ташкил этиб, танлов таклифида кўрсатилган нархлар максимал нархдан ошмаслиги керак.

1.4. Буюртмачи томонидан талаб қилинадиган хизматлар тури техник топшириқ иловада рус тилида келтирилган.

2. Танлов мақсади.

2.1. Жамиятнинг тасарруфидаги таъмир талаб автотранспорт ва механизмларни таъмирлаш ишлари.

3. Танлов иштирокчилари.

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар ҳар қандай юридик шахс, шу жумладан, кичик бизнес субъектлари ҳам иштирок этиши мумкин. 4.4.-бандда келтирилган тадбиркорлик субъектлари бундан мустасно.

4. Ижрочига бўлган талаб.

4.1. Ижрочи давлат рўйхатидан ўтган, мазкур хизматни кўрсатиш бўйича тегишли рухсатномага эга бўлиши, Наманган шаҳрида жойлашган бўлиши лозим:

4.2. Ижрочи кўрсатиладиган хизматни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаши лозим.

4.3. Иштирокчи танловда иштирок этиш учун, танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ қўйидаги ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этиши лозим:

- давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома;

- хизмат кўрсатиш учун тегишли идоралардан рухсат олинганлиги тўғрисида ҳужжатлар.

4.4. Қўйидаги тадбиркорлик субъектларига танловда иштирок этишга рухсат берилмайди:

- қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида;

- инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилган;

- солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлган.

4.5. Иштирокчи қўйидаги ҳолларда танловдан четлаштирилади:

- иштирокчи бевосита ёки билвосита буюртмачининг танловда иштирокчиларни танлашда масъул бўлган шахслар билан ноқонуний келишувлар орқали қарор натижасини ўз фойдасига ҳал қилиниши учун таъсир ўтказувчи ҳаракатларни амалга оширилганда;

- иштирокчининг қонунчиликка зид бўлган адолатсиз рақобат ёки афзалликларга эга бўлса.

5. Бошқа шартлар.

5.1. Тўлов шартлари: Ижрочи томонидан кўрсатилган хизмат бўйича ҳисоб-варақ фактура тақдим этилиши лозим.

5.2. Буюртмачи томонидан тўловлар, ҳисоб-варақ фактура тақдим этилган санадан бошлаб 25 банк иш куни давомида амалга оширилади.